

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**Кўлёзма хуқуқида
УДК:339.13.012:368 (575.1)**

Қўлдошев Қамариддин Мансурович

**СУГУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ
МУАММОЛАРИ**

08.00.07- “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисод фанлари номзоди
иљмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент -2009

36(043-3)

Б.З

Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида
бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди, доцент
Боев Ҳабибулло Исмоилович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори
Жўраев Абдуғаффор Софарович

иқтисод фанлари номзоди
Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги
иктисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси бўйича Д.005.25.01 ракамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
2009 йил “8 маъл соат 16 ⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, X.Орипов кўчаси, 16-й.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк – молия
академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил “3 ” аирек да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди

7. май Ф.Мирзаев

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро тажрибаларни умумлаштирган ҳолда бозор иқтисодиётига хос сугурта тизими ривожланиб бормоқда. Ўтиш даврида амалга оширилган сугурта сиёсати ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз амалга оширилишини таъминлайдиган ва аҳоли манфаатларини ижтимоий кафолатлайдиган соҳага айланниб бормоқда. Сугурта бозорини ривожлантириш бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири хисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаетган иқтисодий ислохотларнинг чукурлашуви, давлат мулкининг хусусийлаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятининг барқарор суръатларда ривожланиши ишлаб чиқариш фаолияти ва фуқароларнинг манфаатлари билан боғлик заарларнинг копланишида сугурталашга бўлган талабнинг ошиб боришидан, сугурталаш соҳаси муносабатларига янги сугурта обьектлари ва субъектлари жалб этилиши орқали бўш маблағларни инвестицияга жалб этган ҳолда даромадлар кўпайтирилишидан далолат беради. Юкоридагилар сугурта иши ва сугурта бозорини ривожлантириш, унинг хуқукий, ташкилий, иқтисодий бошқариш механизмини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганидек: “Бугун ривожланган сугурта тизимисиз барча хўжалик субъектлари, айниқса кичик ва ўрга бизнес субъектлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар самарали ишлашларига, инвестиция фаолияти билан шуғулланишларига кредитлар олиш имкониятларидан маҳрум бўладилар”¹.

Сугурта ижтимоий ишлаб чиқаришни турли хил хавф-хатарлардан химоялаш билан давлатнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, сугурта бозор муносабатларининг салбий таъсиридан моддий жиҳатдан ночор аҳоли қатламларини ижтимоий химоялаща жамиятнинг муҳим тармоғи сифатида хизмат қиласди.

Сугурта тизими хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга жалб этилишини кафолатлаши натижасида мамлакатимизга мустақиллик йилларида хорижий инвестициялар кириб кела бошлади. Бу эса, республикамизда машинасозлик саноати ривожланишига, қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини қайта ишлаш саноати шаклланишига, қурилиш ва янги обьектлар барпо этилишига, хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатларда ривожланишига ва янги иш ўринлари ташкил этилишига асос бўлди.

Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, миллий сугурта бозорини жаҳон сугурта бозори талаблари асосида ривожланган мамлакатларнинг сугурта бозорлари даражасига етказиш ва халқаро тажрибаларни чукур ўрганиш сугурта фаолиятидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Ушбу ҳолат илмий иш мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

¹Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курамиз.-Тошкент: “Ўзбекистон”. 1999. 120 б.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сутурта бозори ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иктиносидчи олимлар А.Александров, А.Архипов, Ю.Ахвledиани, В.Белых, И.Балабанов, С.Берёзина, А.Вагнер, В.Гарькуша, Ф.Герман, Б.Гомеля, Э.Кросита, Н.Никулина, В.Рябикина, Б.Сербиновский, Д.Туленты, В.Шаховлар² томонидан тадқик этилган.

Мамлакатимизда сугурта фаолияти ва сугурта бозори ривожланишининг йўналишлари иктиносидчи олимлар М.Аскарова, Г.Ахунова, Х.Боев, Т.Боймуротов, О.Жўраев, Ш.Имомов, М.Мирсадиков, А.Нуруллаев, Й.Турсунов, М.Ходжаева, А.Шермуҳамедов, Х.Шеннаев, Р.Хусанов, А.Ядгарловлар³ нинг илмий ишларида таҳлил килинган. Бирок, юкоридаги олимларнинг илмий асарларида сугурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш масалалари яхлит тарзда чуқур таҳлил килинмаган. Шу боис, ушбу мавзу тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлити. Диссертация иши Тошкент Давлат иктиносидиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади республикада сугурта бозори ва уни бошқариш механизmlарини тақомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб куйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбекистонда миллий сугурта бозорини шакллантириш зарурияти ва ушбу бозорни ривожлантириш республика иктиносидиёти ривожининг муҳим омилларидан бири эканлигини асослаб бериш;

- Ўзбекистонда амал қилаётган сугурта бозорининг мавжуд муаммоларини аниклаш ва уни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш;

²Белых В.С. Страховое право. - М.: Инфра-М, - 2001. – 205 с.; Балабанов И.Т. Риск-менеджмент.- М.:Финансы и статистика, -1996.-208 с.; Шахов В.В. Страхование. – М.: ЮНИТИ, -1999. – 150 с.; Рабиккина В.И. Страхование. – М.: Экономист, -2006. – 120 с.; Архипов А.П., Гомеля В.Б., Туленты Д.С. Страхование: современный курс.- М.: Финансы и статистика , - 2007. – 205 с.; Ахаледиани Ю.Т. Страхование. – М.: ЮНИТИ, 2006. – 215 с.; Никулина Н.Н., Берёзина С.В. Страхование.-М.:ЮНИТИ,2003.-220 с.; Сербиновский Б.Ю., Гарькуша В.Н. Страховое дело.- Ростов-на-Дону: Феникс, – 2004.- 180 с.

³Боев Х. Сугурталари. - Тошкент: Адабиёт жамтармаси наприёти, - 2005. – 75 б.; Хусанов Р.Х., Яшаров А.А. Бозор иктиносидёти шаронтида сугурта тизими. – Тошкент: Янги аср академи, – 2005. – 79 б.; Шермуҳамедов А., Охунова Г., Жўраев А. Халқаро транспорт сурʼатси. – Т.: ТДИУ, -2000. – 84 б.; Шеннаев Х. Сугурта бозори нима? // Ўзбекистон иктиносиди ёхборотномаси.-Тошкент, 1998. - №2- Б. 10-11; Аскарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Ташкент – 2003. – 21 с.; Боймуротов Т.М. Ўзбекистонда сугурта фаолияти ва уни соликка тортиш механизми тақомиллаштириш. Иктисол фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент – 2004. – 22 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва дехкан хўжаликларини сугурталаш масалалари. Иктисол фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент – 2007. - 22 б.; Ходжаева М.Х. Сугурта фаолияти бухгалтерия хисоби ва аудитининг хозирги ахволи ва уни тақомиллаштириш йўллари. Иктисол фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент – 2001. – 22 б. Мирсадиков М. Страхование рисков при ипотеке// Рынок, деньги и кредит. – Ташкент – 2007. № 1 – с. 11-12.

- сұғурта бозорининг мұхим күрсаткічлари бўлган, ялпи ички маҳсулотдаги сұгурутанинг улуши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган сұғурта мұкофотлари миқдори ва инвестицияяга йўналтирилган сұғурта маблагларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини аниқлаш;

- сұғурта бозорини ўрганишда маркетинг тадқиқотлари ва реклама килиш тадбирларини қўллаш усулларини ишлаб чиқиши;

- тарақкӣ этган мамлакатларда сұғурта бозорини ривожлантиришнинг илғор тажрибаларидан мамлакатимиз миллий сұғурта бозорини ривожлантиришда ижодий фойдаланиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот обьекти. Тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон миллий сұғурта бозори ва ушбу бозорда фаолият юритаётган сұғурта компаниялари танланган.

Тадқиқот предмети: сұғурта компанияларининг сұғурта бозорида фаолият күрсатиш жараённан содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни амалга оширишда мантикий, иқтисодий, молиявий, киёсий таҳлил, тизимли ёндошув, гурухлаш ва динамик қаторлаш усулларидан фойдаланилди.

Химояга олиб чиқылаётган асосий ҳолатлар:

- Ўзбекистон сұғурта бозорини ҳалқаро сұғурта ва кайта сұгуруталаш тизимиға интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш, ушбу бозорининг ривожланган мамлакатлар сұғурта бозорлари даражасига етказилиши учун хизмат килиши асослаб берилди;

- кўрсатилаётган сұғурта хизматлари ҳажмини ошириш учун мавжуд сұғурта турлари сонини замонавий сұғурта турлари хисобига ошириш, бунда асосий эътиборни тадбиркорлик фаолияти, экспорт-импорт операциялари, экология сұгуртаси, ҳаётни узоқ муддатли сұғурта килиш, ҳамда сұгурутанинг жамғариб бориладиган турларига қаратиш яхши самара бериши асослаб берилди;

- сұғурта фаолиятини доимий равиша ёритиб бориш, компанияларининг рейтинг кўрсаткічларини эълон килиб бориш сұғурта бозорининг кенгайишига олиб келиши асосланди ҳамда сұғурта соҳасидаги турли товламачиликларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди;

- сұғурта бозори талаблари асосида ривожланишини ташкил этадиган малакали сұгуртачи кадрлар тайёрлаш муаммосини очиш йўллари сифатида, таълимни сұгуртага ихтисослашгандан колледж очиш, сұғурта тизимида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг малакасини ошириш ва кайта тайёрлашни олий ўқув юртлари хузурида ташкил этиш таклиф этилди;

- сұғурта хизматларига бўлган талабни шакллантиришида аҳоли ўртасида сұғурта саводхонлигини ошириш зарурлигидан келиб чиқиб, сұғурта компаниялари, ҳамда оммавий аҳборот воситалари томонидан тарғибот ишларини жадаллаштириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди ва уни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

Илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгиликлари қуидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда миллий сугурта бозорини шакллантириш зарурияти ва унинг Республика иқтисодиёти ривожининг мухим омилларидан бири эканлиги асосланди;

- сугурта фаолиятининг мухим кўрсаткичлари сифатида, сугурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги хиссаси, ахоли жон бошига тўғри келадиган сугурта мукофотларининг микдори ва инвестицияяга йўналтирилган сугурта маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги хиссаси кўрсаткичлари хисоблаб чиқилди, ҳамда сугурта бозори ривожланган мамлакатлар билан киёсий такъосланди;

- сугурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциациясида барча сугурта турлари бўйича содир бўлган сугурта ҳодисалари, уларнинг сабаблари ва зарар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар базасини ташкил килиш таклиф этилди. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш йўналишлари белгиланди ва кутиладиган натижалар аникланди;

- миллий сугурта бозори иштирокчилари томонидан маркетинг тадқиқотлари ўтказиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги туфайли талаб ва таклиф мутаносиблиги таъминланмаганлиги аникланди, ҳамда ушбу тенгизликини йўқотишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди;

- миллий сугурта бозорида фаолият кўрсатадиган сугурта компаниялари ўргасида соғлом ракобат мухитини шакллантириш ва уни кучайтиришига қаратилган илмий таклифлар берилди, ҳамда ракобатнинг ривожланишига салбий таъсир қилувчи ҳолатлар аникланди;

- сугурта компаниясининг ташкилий харажатларини камайтириш мақсадида компанияларни йириклиштириш сиёсатини олиб бориш, ҳамда мамлакатнинг барча ҳудудларида сугурта хизматларини йўлга қўйиш мақсадида йирик компанияларнинг жойларда андеррайтерлик марказларини ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар берилди;

- йирик ҳажмдаги сугурта ва қайта сугурта шартномаларини тузиш имкониятини яратиш мақсадида ривожланган мамлакатлар сугурта бозорларида кенг кўлланилаётган, миллий ва хорижий сугурта компаниялари иштирокидаги "Биргаликдаги сугурталаш жамиятлари"ни ташкил этиш таклиф этилди;

- сугурта бозори инфратузилмасининг такомиллашмаганлиги, яъни профессионал сугурта воситачилари, сугурта эксперлари ва ассистанс хизматларининг ривожланмаганлиги сугурта хизматларига бўлган талабнинг пасайишига сабаб бўлаётганлиги асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижалари сугурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш механизмини такомиллаштиришда кўлланилиши мумкин. Диссертациянинг илмий хulosалари ва амалий таклифларидан сугурта бозорини тартибиға солища, сугурта бозори иштирокчилари маркетинг хизматларини ривожлантиришда, олий ўкув юртларида "Сугурта бозори",

“Ўзбекистон сугурта бозори” фанларининг ўкув дастурларини такомиллаштириша ва ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқикот натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (11.10.2007 й. далолатнома), ва “ALSKOM” қўшма сугурта компанияси (10.03.2008 й. далолатнома) томонидан амалиётга жорий килиш учун кабул қилинган. Диссертация материалларидан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида “Сугурта бозори” фанини ўқитиши жараённида фойдаланилмоқда, (09.10.2007 й. далолатнома).

Ишининг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг илмий натижалари “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорини ривожлантириши” (Тошкент, 2004), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари” (Тошкент, 2005), “Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия” (Москва, 2006) мавзуларида ўтказилган ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъкулланган.

Тадқикот иши Тошкент Давлат иқтисодиётуниверситети, Тошкент Молия институти ва Андижон мұхандислик – иқтисодиёт институтларининг бирлашган илмий семинарларида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисida мухокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг зълон қилинганилиги. Тадқикот ишининг асосий илмий натижалари 10 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулосадан ташкил топган. Тадқикот ишининг умумий ҳажми 137 бет бўлиб, 18 та жадвал ва 5 та расмдан иборат.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиш жараённида сугурта соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сугурта муносабатларининг мазмуни бутунлай ўзгарди. Айни пайтда ташкил этилган сугурта компаниялари иштирокида бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган сугурта бозори шаклланмоқда. Ҳозирги кунда республикада турли мулкчилик шаклидаги 30 та сугурта компанияси фаолият қўрсатадиганлиги ушбу бозорнинг мамлакат иқтисодиётидаги салмогини ортиirmoқда. Компаниялар сонининг ортиб бориши сугурталанувчиларга танлаш имконини беради, ўзаро ракобат мухитини шакллантиради ва иқтисодиётнинг ўсишига салмоқли таъсир қўрсатиш имконини яратади.

Бозор шароитида давлат томонидан сугурта тизимини бошкариш ва тартибга солиш объектив зарурият хисобланади. Сугурта бозорида гоҳида сугурта компаниялари ракобатни чегаралаш мақсадида ҳамкорликда иш олиб боришлиари ва бошқа компанияларнинг бозорда фаолият қўрсатишига қарши

чоралар кўришлари, тарифларни сунъий равишда оширишга ҳаракат қилишлари, сугурта шартномалари шартларини бажариш билан бөглиқ сугурталанувчилар ҳукукларининг поймол бўлишига сабаб бўладиган ҳолатларга йўл кўйишлари мумкин. Ушбу ҳолатларни бартараф этишда давлат назоратчи вазифасини бажаради.

Давлат сугурта тизимининг ривожланишини таъминлайдиган қонунларни такомиллаштириб бориши ва уларнинг реал тарзда амал қилишини ҳам таъминлаши лозим. Ҳар қандай сугурта компаниясининг фаолияти иқтисодий тизим билан чамбарчас боғланган бўлиб, ушбу иқтисодий тизим ичida сугуртачи ўз фаолиятини амалга оширади. Барча сугурта компанияларининг ўзаро муносабатлари заминида сугурта тизими шаклланади ва ушбу тизим ичida компаниялар маңбаатлари уйғуллашади.

Сугурта бозори худудий жиҳатдан миллӣ, минтакавий ва жаҳон сугурта бозори кўринишида шаклланади. Миллӣ сугурта бозорининг асосини маълум мамлакат ичida ташкил этилган сугурта ташкилотлари ташкил этади. Ушбу бозорга таъсир кўрсатувчи омилларни ташки ва ички омилларга бўлиш мумкин. Ташки омилларга давлатнинг иқтисодий ва сугурта сиёсати, ушбу мамлакатга чегарадош давлатлар ва жаҳондаги иқтисодий ҳолат, сугурта бозорларининг таъсири, молиявий инфляция, валюта курсининг ўзгариши кабиларни киритиш мумкин. Ички омиллар сифатида бозор инфратузилмасининг шаклланганлик ҳолати, компанияларнинг капитализация даражаси, малакали кадрлар билан таъминланганлик, потенциал сугурталанувчиларнинг демографик ҳолатини келтириши мумкин.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши, иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайишига ва миллӣ сугурта бозорларининг жаҳон сугурта бозорига интеграциялашувига имконият яратади. Буюк Британия, АҚШ, Германия, Швейцария, Франция, Япония каби мамлакатларнинг сугурта компаниялари ўз имкониятларидан самарали фойдаланиб транснационал компанияларга айланиб, жаҳон сугурта бозорида йигилаётган сугурта мукофотларининг асосий кисмига эгалик қилишмоқда.

Жаҳон сугурта бозорида катта молиявий имкониятга эга бўлган АҚШ сугурта компаниялари молиявий барқарор ва дунё миёсида фаолият кўрсатадиган сугурта компаниялари ҳисобланади. Америка сугурта монополиялари индустрисал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар сугурта тизимининг таҳминан 50 фойзини бошкаради. АҚШда 8 мингдан зиёд мулкий сугуртага ва 2 мингта ҳаёт сугуртасига ихтиослашган компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир штат ўзининг сугурта қонунчилигига ва назорат органига эга. Сугурта фаолиятини назорат килиш федерал даражада умумий тартибга солувчи ва назорат қилювчи орган сугурта комиссарлари миллӣ ассоциацияси томонидан амалга оширилади. Ҳар бир штат капиталнинг минимал даражасига, таклиф этилаётган сугурта турларига ўз таалбларини кўяди, назоратдаги сугурта компанияларини тафтиш қиласи, ушбу компанияларга, сугурта агентларлари ва брокерлик ташкилотларига лицензия бериш орқали сугурта фаолиятини умумий назорат қиласи.

АҚШда икки турдаги сұгурта компаниялари фаолият юритади: акциядорлик жамиятлари ва үзаро сұгурталаш жамиятлари. Давлат сұгурта ташкилотлари мавжуд эмас. Андеррайтерлар ва сұгурта брокерлари фаолияти кенг ривожланган. Барча сұгурта компаниялари бүйича ташкил қилинган маълумотларнинг электрон банки мавжуд бўлиб, ушбу электрон банкнинг мавжудлиги рисклар бўйича, сұгурта мукофотлари киймати бўйича маълумотларни умумлаштириш имконини беради.

Жаҳондаги аксарият мамлакатлар қишлоқ хўжалигига кўрилган йирик заарларни ҳукumat томонидан қоплаб беришдан кўра сұгуртадан фойдаланиши афзал кўрмоқдалар. Бунда қайси мамлакат тажрибасидан фойдаланиш керак деган саволга жавоб бериш учун бир рақамга эътиборни қаратмоқ керак, яъни дунё сұгурта бозоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта сұгурталашдан олинаётган 8 млрд. АҚШ доллари микдоридаги маблағнинг 5,5 млрд. АҚШ долларини, яъни 69 фоизини Шимолий Америкага тегишли эканлигини айтиш кифоя.

Хозирги кунда Шимолий Америкада полисларнинг уч тури таклиф этилмоқда: мультирист, дўлдан сұгурталаш ва айрим экин турлари сұгуртаси. Мультирист сұгуртаси сұгурта мукофотлари умумий сұгурта мукофотининг асосий қисмини ташкил этади ва қишлоқ хўжалик экинларига барча турдаги табиий оғатлар етказган заарларни қоплаб беради. Дўлдан сұгурталаш дўл етказган заарларни қоплаб беради. Айрим экин турлари сұгуртаси айрим экин турларига нисбатан кўлланилади. Қайси экин тури ва қайси ҳодисаларни сұгурталаш ҳар бир ҳудуднинг табиий хусусиятидан ва доимий экиладиган экин турларидан келиб чиқиб белгиланади.


Ушбу сұгурта маҳсулотларининг муҳим фарқли томони шундаки, мультирист сұгуртаси Америкада федерал ҳукumat томонидан субсидияланади, Канадада эса федерал ҳукumat ва вилоят ҳукумати томонидан субсидияланади. Хизматлар тижорат сұгурта компаниялари томонидан кўрсатилганлигига қарамасдан, сұгурта шартномалари ва тарифлари давлат органлари томонидан назорат қилинади.

Дўлдан сұгурта ва айрим экинлар сұгуртаси тўлиқ тижорат маҳсулоти бўлганилиги учун уларга давлат субсидия бермайди ва назорат қилмайди. Ушбу сұгурта турларида сұгурта қопламаси майдон ўлчамидан келиб чиқиб белгиланади. Мультирист сұгуртасида сұгурта қопламаси тўлаш хосил кийматидан келиб чиқиб амалга оширилади. Фермерлар ўз экинларини сұгурталаш учун мустақил сұгурта агентларига мурожаат қиласидилар. Ушбу сұгуртани амалга оширишда ҳукumat сұгуртаси билан шартнома тузади.

Мамлакатимиз миллий сұгурта бозорида фаолият кўрсатаётган сұгурта компаниялари сұгурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вактнинг ўзида универсал фаолиятни ҳам олиб бормоқдалар. Бунга мамлакатимизда сұгурта соҳасининг юқори даражада ривожланмаганлиги, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг сұгурта тўғрисидаги ҳукукий билимларининг етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли сұгурта хизматларига талабгорлар сонининг етарли эмаслиги сабабдир.

Хозирги кунда мамлакат сугурта бозорида фаолият кўрсатадиган сугурта компанияларининг активлари ҳам турлича. Давлат сугурта компанияларининг устав капиталлари ва жами активлари бошқа сугурта компаниялариникидан сезиларли даражада кўп, ҳамда уларнинг таъсисчилари давлат идоралари ва ташкилотлари бўлганилиги учун уларга бўлган сугурталанувчилик ишончи юқоридир. Хозирда республикада бешта йирик давлат ва давлат улушидаги компаниялар фаолият кўрсатмоқда, улар “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуѓурта” ДАСК, “Кафолат”ДАСК, “Мадад” СА ва “Ишонч” сугурта компаниялари бўлиб, улар томонидан 2007 йилда йигиб олинган сугурта мукофотлари жами сугурта мукофотларининг 49,3 фоизини ташкил этди.

Миллий сугурта бозорининг юкори концентрация даражаси сакланмоқда. 2007 йилда йигиб олинган жами сугурта мукофотларининг 73,3 фоизи бешта - “Ўзбекинвест”, “Ўзагросуѓурта”, “Uvt-Inshurans”, “Standart Inshurans Group” ва “Кафолат” сугурта компаниялари хиссасига тўғри келди. Бундай кўрсаткич сугурта бозоридаги соглом рақобат мухитининг яратилишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан биридир. Ушбу ҳолатни мулкий сугурта тармоғи бўйича кўриш мақсадида куйидаги 1-расмга эътибор қаратадиган бўлсак, бунда ҳам юқоридаги бешликнинг етакчилик ўрнини кўриш мумкин.



1-расм. 2007 йилда ихтиёрий мулкий сугурта мукофотларини тўплашда етакчи компаниялар улуши, (фоиз ҳисобида)⁴.

Бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда монополия юзага келишининг олдини олиш мақсадида бир тармоқда фаолият кўрсатувчи компаниялар сони камида ўн ва ундан ортиқ бўлиб, ушбу бозордаги бир компаниянинг сугурта хизматлари кўрсатиш бўйича хиссаси 31 фоиздан ошмаслиги, икки компаниянинг хиссаси 44 фоиздан ошмаслиги, учта компаниянинг хиссаси 54 фоиздан ошмаслиги ва тўртта компания улуши эса 64 фоиздан ошмаслиги керак. Ушбу нисбат бузилганда мазкур компанияларга нисбатан давлат иктисодий санкциялар кўллади ва уларнинг ушбу бозордаги

⁴Сугурта назорати давлат инспекцияси, 2007 йил ҳисоботидан// Bozor Pul va Kredit. 2008, № 8, 30 б.

иширикини чегаралаб қўяди⁵.

Фикримизча, мамлакатимизда амал қилаётган сугурта бозорини назорат қилишни назарда тутувчи меъёрий хужжатларга, миллий бозорда фаолият кўрсатаётган компаниялар сони камлигини эътиборга олган ҳолда, бир тармоқда фаолият кўрсатувчи компаниялар сонининг минимал чегарасини бешта қилиб белгилаш ва ушбу тармоқдаги бир компания хиссасини 35 фоиз, икки компания хиссасини 50 фоиз, учта компания хиссасини 65 фоиз ва тўртта компаниянинг хиссасини 80 фоиздан оширмаслик тартибини белгилаб қўйиш зарур. Ушбу нисбат бузилганда эса қоидани бузган компаниялар лицензияси уч ойга тўхтатиб қўйилиши лозим.

2007 йилда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сугурта компанияларининг ялпи устав капиталининг сўмдаги миқдори 27323 млн. сўмдан ошиб, 2003 йилдаги кўрсаткичга нисбатан уч баравардан ортиқ бўлди. Компаниялар устав капиталларининг сезиларли даражада ортганлигига Вазирлар Маҳкамасининг “Сугурта бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли ва “Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 10 апрелдаги 618-сонли қарорлари асосида устав капиталларининг минимал миқдорлари оширилганлиги сабаб бўлди. Ушбу қарорларга асосан сугурта компаниялари устав капиталларининг минимал миқдорлари куйидагича белгиланган.

1 - жадвал

Ўзбекистон сугурта компаниялари учун белгиланган устав капиталлари
минимал миқдорларининг йиллар бўйича ўзгариши⁶
(минг АҚШ доллари хисобида)

Сугурта тармоклари	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Ҳаёт сугуртаси	250	250	250	250	250	750
Умумий сугурта	150	150	150	150	150	500
Қайта сугурта (фаолият мазмуни факат қайта сугурта бўлса)	2000	2000	2000	2000	2000	3000
Мажбурий сугурта	500	500	500	500	500	1000

Устав капиталларининг ҳажми бўйича сугурта компанияларини куйидагича гурухлаш мумкин: устав капиталининг миқдори 1 млрд. сўмдан ошик бўлган компаниялар 36 фоизни, устав капиталининг ҳажми 500 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача бўлган компаниялар 24 фоизни ва устав капиталининг ҳажми 500 млн. сўмгача бўлган компаниялар 40 фоизни

⁵ Шахов В.В. Введение в страхование. М.: Финансы и статистика – 2000 – 65 с.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўтламлари, 2002 йил, 35 сон. 15-6.. 2007 йил, 15 сон. 14-6.

ташкил этмоқда. Бундан кўринадики, устав капитали минимал даражани ташкил этган компаниялар сони кўпчиликни ташкил этади.

Мамлакатимиз сугурта компаниялари капиталлашуви талаб даражасида эмаслиги, миллий қайта сугурталаш бозорини ривожлантиришига кам эътибор берилаётгандилиги, қайта сугурталашга хорижий сугурта компаниялари жалб этилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз сугурта бозорида ахборотлар тизимининг тараккий этмаганлиги натижасида сугурталанувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларнинг талабига мос, молиявий баркарор ва тўловгага ләйқатли сугурта компанияларини танлаш имкониятлари чегараланиб қолмоқда.

Сугурта ташкилотларидан кредит олиш тижорат банкларига нисбатан анча кулагай бўлиб, сугурта компаниялари кредитни мижозларга узоқ муддатта беришмоқда. Сугурта бозори ривожланган мамлакатларда сугурта компанияларининг ушбу соҳадаги имконияти хаёт сугуртаси бўйича сугурта хизматлари хажмининг юкорилиги хисобига содир бўлди. Мамлакатимизда хаёт сугуртасининг хиссаси энг кичик кўрсаткичга эга бўлиб, 2007 йилда ушбу кўрсаткич 0,3 фоизни ташкил этди. Ушбу ҳолатнинг қуйидаги сабаблари мавжуд: тармоқда фаолият кўрсатадиган сугурта компанияларининг сон жиҳатидан камлиги ва уларда малакали кадрларнинг етишмаслиги, инфляция даражасининг нисбатан юкорилиги, ахоли тўлов қобилиятининг пастлиги ва компанияларга бўлган ишончсизликнинг мавжудлигидир.

Мамлакатлар иктисодиётида сугуртанинг ўрни йигиладиган сугурта бадалларининг ЯИМга нисбати ва сугурта компаниялари инвестицияларининг ЯИМга нисбати билан белгиланади. Европа сугуртасиларининг инвестицион фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар баркарор ўсиш суръатларига эга бўлиб, уларнинг улуши мамлакатларнинг ЯИМ ўсиш суръатларига нисбатан юқори бўлган.

Ўзбекистонда сугурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2003-2007 йилларда баркарор сақланиб, ўртacha 0,26 фоизни ташкил этди (2-жадвал). Сугурта бозори ривожланган мамлакатларда эса, бу кўрсаткич 6-10 фоизни ташкил этади.

Сугурта компанияларининг даромад манбалари биринчидан, улар томонидан кўрсатиладиган сугурта хизматлари эвазига келиб тушадиган сугурта мукофотлари, иккинчидан эса, вактинчалик бўш турган маблағларни инвестицияга йўналтириш оркали келадиган даромадлардан иборат. Ушбу фаолиятта йўналтириладиган маблағлар мамлакат иктисодиётининг ривожи учун хизмат киладиган мухим манбадир. Сугурта компаниясининг ушбу фаолиятдан топган даромади эса, ўзининг ўз сугурта хизматлари учун белгилаган тариф ставкаларини пасайтириш имконини беради. Бу эса, сугурталанувчилар сонининг кўпайишига олиб келади. Ўзбекистонда сугурта компаниялари томонидан инвестицияга йўналтирилган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши динамикасини 3 – жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал

**Ўзбекистонда сұгурта мұкофотларининг ЯИМ даги улуси⁷
(Млрд.сұм хисобида)**

Йиллар	ЯИМ	Сұгурта мұкофотлари	ЯИМда сұгурта мұкофотлари улуси, (фоиз хисобида)	Үсиш ёки камайиш, (фоиз хисобида)
2003	9837,8	27,1	0,27	
2004	12261,0	32,9	0,26	-0,01
2005	15210,4	42,7	0,28	+0,02
2006	20759,3	48,5	0,23	-0,05
2007	28235,2	72,3	0,26	+0,03

Мамлакатимизда молия бозорининг тұлақонли яратылмаганлиги, шу жумладан, кимматли қоғозларнинг иккіламчи бозори яхши ривожланмаганлиги сұгурта компанияларининг инвестиция фаолиятини чеклаб қўймоқда.

Хорижий сұгурта компанияларининг инвестиация фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, уларда қўчмас мулклар ва корхоналар устав сармояларида улущдош сифатида иштирок этишга йўналтирилган маблағлар миқдори умумий инвестициянинг 10 фоизини ташкил этади. Бизнинг компанияларимиз томонидан ушбу соҳаларга йўналтирилган маблаглар миқдори эса 3-4 фоиздан ошмайди.

3-жадвал

**Ўзбекистонда сұгурта компаниялари томонидан инвестицияга
йўналтирилган маблагларнинг ЯИМдаги улуси⁸
(млрд.сұм хисобида)**

Йиллар	ЯИМ	Инвестиция	ЯИМда инвестициялар улуси, (фоиз хисобида)	Үсиш ёки камайиш (фоиз хисобида)
2003	9837,8	126,5	0,01	
2004	12261,0	141,2	0,01	-
2005	15210,4	163,6	0,01	-
2006	20759,3	182,5	0,008	-0,002
2007	28235,2	207,9	0,007	-0,001

⁷ Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

⁸ Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Мамлакат сугуртасида миллий сугурта бозорида мавжуд бўлган катта ҳажмдаги салоҳиятдан фойдалана олмаяптилар. Бу албатта биринчи ўринда тиббий сугуртага тааллуклидир. Амалга оширилган сўровномаларимизга кўра, катта ёшдаги ахолининг яқини тиббий сугурта полисларини сотиб олиш истагини билдиришган. Ушбу сугурта турида оғир ва сурункали касалликлар сугуртасини йўлга қўйиш муҳимдир.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлик рискларни сугурталаш фаолияти хам етарли даражада ривожланмаяпти. Бу соҳани ривожлантириш учун биринчи ўринда унинг хуқукий базасини яратиш зарур.

Миллий сугурта бозорларида мухим кўрсаткичлардан яна бири маълум мамлакат миллий сугурта бозоридаги сугурта мукофотларининг ушбу мамлакат ахолисининг сонига нисбати кўрсаткичидир. Ушбу кўрсаткич асосида мамлакат ахолиси ўртасида сугурта хизматларининг канчалик оммалашганилигини билиш мумкин. 4-жадвал ёрдамида ушбу кўрсаткичининг Ўзбекистонда қандай даражада эканлиги ва кейинги беш йилда қандай ўзгараётганилигини аниклаш мумкин. Сугурта мукофотларининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши кўрсаткичининг ўсиш суръатига нисбатан бу кўрсаткичининг ўсиш суръати бирмунча юкори эканлигини кўриш мумкин. Ривожланган мамлакатлардаги ушбу кўрсаткич билан таккосланганда киши бошига тўғри келаётган сугурта мукофотлари миқдори мамлакатимизда кичик миқдорни ташкил этмоқда, чунки бу кўрсаткич АҚШда 2000, Японияда 4000, Европа мамлакатларида ўртача 1600 АҚШ долларини ташкил этади.

4 – жадвал

Ўзбекистонда сугурта мукофотларининг аҳоли сонига нисбати кўрсаткичлари⁹

Йиллар	Доимий аҳоли сони (йил бошига) (минг киши)	Сугурта мукофотлари (млн.сўм)	Бир кишига тўғри келадиган сугурта мукофотлари (сўм)	Олдинги йилга нисбатан ўсиш (сўм)
2003	25427,9	27064,5	1064,4	-
2004	25707,4	32875,4	1278,8	214,4
2005	26021,3	42655,3	1639,2	360,4
2006	26312,7	48530,7	1844,4	205,2
2007	26663,8	72030,1	2701,4	857,0

Сугурта фаолиятининг моҳияти сугуртаси ва сугурталанувчи ўртасида сугурта шартномаси тузилгандан кейин шартномада кўзда тутилган ҳолатлар юз бергандা сугурталанувчининг кўрган зарарини сугуртаси томонидан коплаб берилишидан иборатdir. Йигилган маблагларнинг аксарият қисми

⁹ Молия вазирлигига ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ушбу максадларга сарф қилиниши керак. Мамлакатимиз сұғурта компаниялари томонидан йығылған сұғурта мұкофотларининг мақсадға йұналтириш ҳолатини 5-жадвал орқали күзатиш мүмкін. Жадвал маълумотларидан маълумки, йығылған сұғурта мұкофотлари хисобидан тұлаб берилған сұғурта қопламалари міндеттері кичик жағмни ташкил этиб, ушбу нисбат беш йил давомида үртача 11,5 фоизни ташкил эттән. Ушбу күрсаткыш 2003 йилда Россияда 53,7 фоизни ташкил қылған бўлса, бошқа ривожланган Америка, Япония ва Европа мамлакатларида 70-90 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда ушбу ҳолатни вужудға келишига уча асосий сабаб таъсир күрсатмоқда. Булар бириңчидан, компаниялар үргасидаги ўзаро рақобаттын сүстлиги, иккінчидан компаниялар томонидан күлланилаётгандар тариф ставкаларининг юкориличесі ва үчинчидан, юз берган сұғурта ҳодисалары бўйича кўрилған зарапларни компаниялар томонидан тұлаб бермаслик ҳолатларининг мавжудлигидир. Буни иккинчи томон – сұғурталанувчининг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги ёки ундан тўлиқ фойдалана олмаётгандиги каби сабаблар билан изоҳлаш мүмкін.

5 – жадвал

Сұғурта мұкофотлариниң сұғурта қопламалары учун йұналтириш¹⁰ күрсаткышлари¹⁰

Йиллар	Сұғурта мұкофотлари (млн.сўм)	Сұғурта қопламалари (млн.сўм)	Мұкофоттағы нисбатан қоплама (фоиз хисобида)	Үсиш ёки камайиш (фоиз хисобида)
2003	27064,5	2721,9	10,1	
2004	32875,4	4114,9	12,5	+2,4
2005	42655,3	4775,2	11,2	-1,3
2006	48530,7	6102,3	12,6	+1,4
2007	72030,1	7933,7	11,0	-1,6

Республика сұғурта бозорида тузилмавий сиёсаттің асосий жиҳати ихтиёрий ва мажбурий сұғурта турлари үргасидаги нисбатни мақбуллаштиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётінде үтәётгандар мамлакатларининг тажрибаси шунни күрсатмоқдағы, бозор мұносабатларининг тикланиши ва сұғурта маданиятининг паст даражаси шароитда мажбурий сұғурта турларини амалга ошириш мүкаррардир, бундай шароитда мажбурий сұғурта турларини амалга ошириш бозор капиталлашувины тезлаштиришга хизмат қиласы. Сұғурта мұкофотлари тақсимоттінде таҳлили маҳаллий сұғуртасыларнинг сұғурта портфелида асосий үринине ихтиёрий сұғурта турлари эгаллаганлыгини күрсатмоқда. 2003-2007 йилларда сұғуртанинг барча турлари бўйича мажбурий сұғуртанинг жами сұғурта мұкофотларидаги салмоги 2003 йилдаги 9,9 фоиздан 2007 йилда 4,8

¹⁰ Молия вазирилары ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

фоизга тушди. Тарақкүй этган мамлакатлар тажрибасига кўра, мажбурий сұғартанинг улуши ўртача 30 фоизни ташкил этиши керак.

Мамлакатимиз иктисадиётида қишлоқ хўжалиги сұғартасининг ривожи мұхим үрин тутади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги сұғартаси катта ҳажмни ташкил этиб, уни ягона сұғурта компанияси амалга ошираётгандылыгы ушбу тармоқда ракобат мұхитининг бутунлай йўқлигини кўрсатади.

Агар секторни барқарор ривожлантириши борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаёттган ислоҳотларнинг ҳуқукий асосини 1998 йилда Олий Мажлис томонидан қабул килинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ташкил этади. Фермер хўжаликларни сұғурта химояси билан таъминлаш даражаси тўғрисидаги маълумот б-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотлари асосида битта фермер хўжалигига тўғри келадиган сұғурта мукофотлари микдори таҳлили унда ижобий томонга ўзгариш юзага келганлигини кўрсатади. 2007 йилда битта фермер хўжалигига тўғри келадиган сұғурта мукофоти ва сұғурта қопламаси 2003 йилдагига нисбатан мутаносиб равишда 9 ва 3 баравардан ошган. Аммо, ушбу ҳолатни чукур таҳлили битта фермер хўжалигига тўғри келган сұғурта мукофоти умумий харажатлари таркибида кичик суммани ташкил этганлигини кўрсатади.

6 - жадвал

Фермер хўжаликлари экинлари хосилини ихтиёрий сұғурталаш бўйича кўрсаткичлар¹¹


т/р	Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
1.	Сұғурта мукофоти, млн. сўм	160,8	465,1	1205,8	2057,5	3353,3
2.	Сұғурта қопламаси, млн. сўм	218,7	464,7	514,5	894,8	1447,8
3.	Фермер хўжаликлари сони (минг)	87,6	103,9	125,7	181,7	202,5
4.	Битта фермер хўжалигига тўғри келадиган сұғурта мукофоти, сўм	1837	4476	9595	11324	16566
5.	Битта фермер хўжалигига тўғри келадиган сұғурта қопламаси, сўм	2498	4472	4094	4925	7151

Республикада замон талаблари асосида сұғурта ишини олиб бориш билимларига ва тажрибасига эга малакали ходимларнинг етишмаслиги замонавий сұғурта тизимининг барқарор ривожланишини таъминламайды. Сұғурта тизимида 10 мингга яқин одамлар банд. Сұғурта компаниялари ходимлари малакасини ошириш мақсадида “Ўзбекинвест” сұғурта компанияси томонидан ташкил этилган “Сұғурта олами” ўкув маркази ягона бўлиб, бу бутун республика учун етарли эмас, бундай марказни олий ўкув юртлари қошида ташкил қилиш керак. Олий ўкув юртларида бакалавр

¹¹ “Ўзагросұғурта”ДАСК маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган.

йўналишини тугатганларнинг аксарияти ўз мутахассисликлари бўйича ишга йўналтирилмасдан бошқа тармокларда фаолият юритмоқдалар, сугурта компанияларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг аксарият қисми эса бошқа соҳа вакилларини ташкил этмоқда.

Бозор иктиносидёти шароитида сугуртага бўлган талаб ошиб боради, бу эса, ўз ўрнида сугурта бозори инфратузилмасини такомиллаштиришни талаб этади. Дунё мамлакатларида амал қилувчи сугурта бозорлари мураккаб интеграциялашган тизим бўлиб, у ўз ичига турли ташкилий қисмларни олади. Умумий ҳолда уни қуидагича тасвирлаш мумкин, (4-расм). Катта ҳажмдаги сугурта шартномаларини тузиш ва қайта сугурта фаолиятини амалга оширишда сугурта компанияларимиз қийинчиликка учрамоқда. Унбу муаммони хориж мамлакатлари тажрибасида биргалиқдаги сугурта жамиятларини ташкил қилиш орқали ҳал этишган. Мамлакатимизда ҳам ушбу тажрибани кўллаб, миллий ва қўшма сугурта компаниялари иштирокида “Биргаликдаги сугурта жамиятлари”ни ташкил этиш орқали мавжуд муаммони ҳал этишни таклиф этамиз.



2-расм. Сугурта бозорининг такомиллашган тизими¹²

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуидаги илмий хулосалар олинди:

1. Мамлакатда амалга оширилган иктиносий ислохотлар даврида сугурта фаолиятининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Бозор инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган сугурта фаолиятининг кўлами кенгайиб бораётганлиги, уни стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида тадқиқ этиш учун заруриятни юзага келтириди.

2. Мустақиллик йилларида мамлакат сугурта фаолияти иктиносий-хукукий базасининг яратилиши унинг ривожланиши учун объектив шартшароитларни яратди, шунингдек, сугурта фаолиятини давлат томонидан тартибиға солини механизми яратилиб, такомиллаштириб борилмоқда.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг сугурта хизматларидан фойдаланишини рагбатлантириш, яъни ихтиёрий сугурта турлари бўйича

¹² Муаллиф томонидан таклиф этилган сугурта бозорининг такомиллашган тизими.

саарф-харажатларни маҳсулот таннархига киритилиши уларнинг сугурта фаолиятидан фойдаланишдаги фаоллигини оширишнинг омили бўлмоқда.

4. Мамлакатда сугурта тизими жаҳон амалиётига кўра ихтисослашган тармокларга бўлинди. Бу, ўз навбатида, сугурта тизими профессионал иштирокчиларининг салоҳияти ўсишига ва молиявий мустахкамланишига, фаолият самараадорлиги ошишига сабаб бўлмоқда.

5. Миллий сугурта компанияларининг хорижий компаниялар билан ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Улар қайта сугурталаш соҳасида, инвестиция соҳаларида ўзаро манфаатли фаолиятни амалга оширмоқдалар.

6. Давлат ва бошқа субъектлар олдидағи сугурта компаниялари ҳукукларини ҳимоя қилувчи, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи сугурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси ташкил этилганлиги компаниялар фаолияти самараадорлигини янада оширмоқда.

7. Сугурта бозорида кўрсатилаётган сугурта хизматлари таркибида ихтиёрий сугурта турларининг ҳажми ва турлари ортиб бормоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда сугурта фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи қўйидаги ҳолатлар мавжуд:

1. Сугуртанинг ўрни мустахкамланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйновчи сугурта брокерлари, актуарийлар, ассистанс, сугурта эксперtlари ва баҳоловчилар фаолияти ривожланмаяпти.

2. Сугурта хизматларига фуқаролар ва юридик шахсларнинг талаби етарли даражада эмас. Бунга сабаб, сугурта соҳасида етарли даражада бозор механизмларидан фойдаланмаслик, сугурталанувчиларнинг тўлов қобилияти настлиги ва мажбурий сугуртанинг ривожланмаганилигидир.

3. Сугурта заҳираларини узоқ муддатли инвестиция килишининг ишончли воситалари йўклиги ва сугурта ташкилотларининг капиталлашуви даражасининг настлиги сугурта компаниялари даромад манбаларидан бири бўлган инвестиция фаолиятини чеклаб қўймоқда.

4. Миллий қайта сугурталаш бозори етарли даражада ривожланмаган. Бу ўз навбатида, йирик қалтисликларни сугурталашга хорижий қайта сугурталаш компанияларини жалб килишга олиб келмоқда.

5. Сугурта хизматлари бозорида ахборотнинг очиқлиги тўла таъминланмагани учун сугурталанувчилар томонидан барқарор сугурта ташкилотларини танлашда муаммолар туғдирмоқда.

6. Республикада фаолият юритаётган айрим сугурта компаниялари ҳалигача эски тизимдаги тартибда иш юритмоқдалар. Бу ҳол ривожланиш суръатларини секинлаштирумокда ва сугурталовчиларга нисбатан сугурталанувчилар ишончсизлигининг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

7. Мамлакат сугурта бозорида ҳаёт ва шахсий сугурта турлари етарли даражада ривожланмаяпти.

Тадқиқот иши натижалари, ҳамда юқорида қайд этилган хulosалар сугурта бозорини ривожлантириш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан қўйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишига асос яратди.

1. Миллий сугурта бозорининг очиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, сугурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишининг жаҳон андозаларини татбик этиш, бу борадаги ҳуқуқий базани жаҳон амалиётидан келиб чиқкан ҳолда янада такомиллаштириш.
2. Миллий сугурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан бозорни ўрганиш борасидаги маркетинг тадқиқотларини кучайтириш асосида бозордаги талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш.
3. Сугурта бозорини ҳалқаро сугурта ва қайта сугурталаш тизимиға янада интеграциялашувига шарт-шароитлар яратиб бериш.
4. Сугурта компаниялари ўртасида соғлом ракобат муҳитини таъминлаш мақсадида уларнинг молиявий ҳолатини рейтинг жиҳатидан баҳолашни доимий йўлга қўйиш, реклама фаолиятини ривожлантириш, ҳамда бир тармоқда фаолият кўрсатувчи компаниялар сони бўйича минимум чегара ва ушбу тармоқда компаниялар ҳиссасининг максимум чегараларини биз таклиф этган нисбатларда белгилаш.
5. Фермер ҳўжаликларини сугурталашда жаҳон тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда, сугурта мукофотларининг 20 фоиздан 50 фоизгача бўлган кисмини давлат томонидан тўлаб беришини йўлга қўйиш.
6. Кўрсатилаётган сугурта хизматларининг ҳажми ва сифатини ошириш учун замонавий сугурта турларини кўпайтириш, ҳусусан, асосий эътиборни тадбиркорлик фаолияти, экспорт-импорт операциялари, экология сугуртаси, ҳаётни узоқ муддатли сугурта килиш, ҳамда сугуртанинг жамгариб бориладиган турларига қаратиш зарур.
7. Сугурта ва қайта сугурта брокерлари, сугурта эксперлари, ассистанс ва актуарийлар фаолиятини кучайтириш мақсадида сугурта шартномаларини тузиш ва сугурта ҳодисалари юз бериши билан боғлиқ жараёнларни ушбу ташкилотлар воситасида амалга оширишни давлат томонидан қўллаб-куватлаш зарур.
8. Актуарийлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида сугурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциациясида барча сугурта турлари бўйича содир бўлган сугурта ҳодисалари, уларнинг сабаблари ва зарар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар базасини ташкил қилиш.
9. Ташкилий харажатларни камайтириш мақсадида компанияларни йириклиштириш сиёсатини олиб бориш ва мамлакатнинг барча худудларида сугурта хизматларини йўлга қўйиш мақсадида йирик компанияларнинг жойларда андеррайтерлик марказларини ташкил этиш.
10. Йирик ҳажмдаги сугурта ва қайта сугурта шартномаларини тузиш имкониятини яратиши мақсадида ривожланган мамлакатлар сугурта бозорларида кенг қўлланилаётган, миллий ва хорижий сугурта компаниялари иштироқидаги "Биргаликдаги сугурталаш жамиятлари"ни ташкил этиш.
11. Малакали сугуртачи кадрлар тайёрлаш муаммосини ечиш йўллари сифатида, таълимни сугуртага ихтисослашган коллеж очиш, сугурта тизимида фаолият кўрсатлаётган кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни олий ўкув юртлари хузурида ташкил этиш зарур.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Боев Ҳ.И., Қўлдошев Қ.М. Миллий сугурта бозорини такомиллаштириш усуллари. // Иқтисодиёт ва таълим.-Тошкент, 2001. - № 3-4.-Б.106-110.
2. Боев Ҳ.И., Қўлдошев Қ.М. Суғурта тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий омиллари. // Ҳуқуқ –Право-LAW.- Тошкент, 2002.-№ 1. –Б.41- 45.
3. Мирзоев С., Қўлдошев Қ.М. Ривожланган мамлакатлар сугурта бозорлари // Бозор, пул ва кредит.- Тошкент, 2002. - № 6. - Б.31-32.
4. Қўлдошев Қ.М. Суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти иқтисодиётни ривожлантиришнинг омили сифатида. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорини ривожлантириш мавзуидаги Республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами.- Тошкент, 2004.- Б. 44-47.
5. Қўлдошев Қ.М. Суғурта компанияларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорини ривожлантириш мавзуидаги Республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами.-Тошкент, 2004.-Б.47-50.
6. Қўлдошев Қ.М. Кичик ва ўрга тадбиркорликни ривожлантирища сугуртанинг ўрни. // Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари мавзуидаги Республика илмий-амалий анжуман тезислари тўплами.-Тошкент, 2005.-Б.144-145.
7. Қўлдошев Қ.М., Худоёров Н. Проблемы страхования на рынке ценных бумаг в условиях либерализации экономики. // Девятнадцатые международные плехановские чтения. Образование и социально-экономическое развитие в начале третьего тысячелетия. Тезисы докладов.- Москва, 2006.- С.257-259.
8. Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқарища давлатнинг ташаббускорлиги. // Ўзбекистон кишлoқ хўжалиги. Агрo илм илмий иловаси.- Тошкент, 2007. - № 2.-Б 53.
9. Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. / Ўкув қўлланма. Тошкент, ТДИУ-2007. -125 б.
10. Қўлдошев Қ.М. Суғурта хизматларига бўлган талабнинг шаклланиши ва намоён бўлиши. // Иқтисодиёт ва таълим.-Тошкент, 2007 - №3. – Б.71-74.
11. Қўлдошев Қ.М. Ривожланган мамлакатлар сугурта бозори тажрибаларидан фойдаланиш. // Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари мавзуидаги Республика илмий – амалий анжумани тезислар тўплами.- Тошкент, 2007.- Б. 247-250.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Кўлдошев
Қамариддин Мансуровичнинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва
кредит” ихтинослиги бўйича “Суѓурта бозорини ривожлантириш ва
бошқариш муаммолари” мавзусидаги диссертациясининг**

Р Е З Ю М Е С И

Таянч сўзлар: суѓурта, суѓурта бозори, риск, суѓурталанувчи, миллий
суѓурта бозори, халкаро суѓурта бозори, суѓурта эксперклари, суѓурта
мукофоти, суѓурта қопламаси, суѓурта шартномаси, суѓурта суммаси, суѓурта
полиси, суѓурта ҳодисаси, суѓурта далолатномаси, суѓурта компанияси, ўзаро
суѓурталаш жамияти, ихтиёрий суѓурта, мажбурий суѓурта, суѓурта назорати.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон миллий суѓурта бозори ва ушбу
бозорда фаолият кўрсатаётган суѓурта компаниялари.

Тадқиқот мақсади: республикада суѓурта бозори ва уни бошқариш
механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий
тавсиялар ишлаб чиқишдан изборат.

Тадқиқот методлари: мантикий, иқтисодий, молиявий, қиёсий таҳлил,
тизимли ёндошув, гурухлаш ва динамик каторлаш.

Олингандай натижалар ва уларнинг янгиликлари: Ўзбекистонда
миллий суѓурта бозорини шакллантириш зарурияти ва унинг республика
иктисодиёти ривожининг мухим омилларидан бири эканлиги асосланди;
суѓурта турлари бўйича содир бўлган суѓурта ҳодисалари, уларнинг
сабаблари ва зарар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар базасини ташкил
қилиш таклиф этилди; миллий суѓурта бозорида талаб ва таклиф
мутаносиблиги таъминланмаганлиги аниқланди, ушбу тенгсизликни
йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди; йирик
компанияларнинг жойларда андеррайтерлик марказларини ташкил этиш
бўйича амалий тавсиялар берилди; миллий ва хорижий суѓурта
компаниялари иштирокидаги “Биргаликдаги суѓурталаш жамиятларини”
ташкил этиш таклиф этилди.

Амалий аҳамияти: суѓурта бозори инфратузилмаси ва давлат
бошқарувини такомиллаштиришда, ҳамда олий ўқув юртларида суѓуртага
оид фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самараадорлиги: тадқиқот
ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги хузуридаги “Суѓурта назорати давлат инспекцияси”,
“Alskom” суѓурта компанияси ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
томонидан амалиётда кўйлаш учун қабул қилинган.

Кўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
хузуридаги суѓурта назорати давлат инспекцияси, суѓурта компаниялари,
олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

**диссертации Камариддина Мансуровича Кулдашева на тему:
«Проблемы развития и управления страхового рынка» на соискание
ученой степени кандидата экономических наук по специальности
08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»**

Ключевые слова: страхование, страховой рынок, риск, страхователь, национальный страховой рынок, международный страховой рынок, страховые эксперты, страховая премия, страховое возмещение, договор страхования, страховая сумма, страховой полис, страховой случай, страховой акт, страховая компания, общество взаимного страхования, добровольное страхование, обязательное страхование, страховой надзор.

Объекты исследования: страховой рынок Узбекистана и страховые компании, осуществляющие деятельность на этом рынке.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию инфраструктуры страхового рынка страны и его управленческого механизма.

Методы исследования: логический, экономический, финансовый, сравнительный анализ, системный подход, группировка и динамические ряды.

Полученные результаты и их новизна: обоснована необходимость формирования в Узбекистане национального страхового рынка, который является одним из важных факторов развития экономики республики; предложено создание информационной базы страховых случаев по типам страхования, их причин и объемов потерь; выявлено несоответствие спроса и предложения на национальном страховом рынке и разработаны меры по устранению этого несоответствия; предложены практические рекомендации по созданию на местах андеррайтерских центров крупных компаний; рекомендовано создание «Общества совместного страхования» при участии национальных и зарубежных страховых компаний.

Практическая значимость: научные выводы и практические рекомендации могут быть использованы при совершенствовании инфраструктуры страхового рынка и государственного управления, а также преподавании предметов по страхованию в высших учебных заведениях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные рекомендации и практические предложения диссертационной работы приняты государственной инспекцией страхового надзора при Министерстве финансов и страховой компанией «Alskom» для внедрения в практику, а также Ташкентским государственным экономическим университетом для использования в учебном процессе.

Область применения: Государственная инспекция страхового надзора при Министерстве финансов, страховые компании, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Kamariddin Mansurovich Kuldashev on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic specality 08.00.07.- "Finance, monetary circulation and credit". Subject: "Problems of development and management of insurance market".

Key words: insurance, insurance market, risk, the insurant, the national insurance market, the international insurance market, insurance experts, the insurance premium, insurance compensation, the contract of insurance, the insurance sum, an insurance policy, an insurance case, the insurance certificate, the insurance company, a society of a mutual insurance, voluntary insurance, obligatory insurance, insurance supervision.

Subjects of inquiry: the insurance market of Uzbekistan and the insurance companies which are carrying out activity in this market.

Aim of the inquiry: development of scientific offers and practical recommendations on perfection of an infrastructure of the insurance market of the country and its administrative mechanism.

Methods of inquiry: The logic, economic, financial, comparative analysis, the system approach, grouping and dynamic numbers.

The results achieved and their novelty: necessity of formation for Uzbekistan national insurance market which is one of the important factors of development of economy of republic is proved; creation of information base of insurance cases on types of insurance, their reasons and volumes of losses is offered; discrepancy of a supply and demand in the national insurance market is revealed and measures on elimination of this discrepancy are developed; practical recommendations on creation on places underrates the centers of the large companies are offered; creation is recommended "Societies of joint insurance" At participation of the national and foreign insurance companies.

Practical value: scientific conclusions and practical recommendations can be used at perfection of an infrastructure of the insurance market and the government, and also teaching of subjects on insurance in higher educational institutions.

Degree of embed and economic affectivity: scientific recommendations and practical offers of dissertational work are accepted by the state inspection of insurance supervision at the Ministry of Finance and the insurance company "Alskom". For introduction in practice, and also the Tashkent state economic university for use in educational process.

Sphere of usage: the main rules and conclusions are possible to use in the work of state inspection of insurance supervision of the Ministry of Finance and insurance companies of national insurance market.

Тадқиқотчи:



Босишга руҳсат этилди 05.02.2009 й. Шартли босма табоги 1.25,
бичими 60x84 1/16, адади 100 нусха, буюртма № 33

100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-й
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети босмахонаси